

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича ҲИСОБОТ

1.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат тури, номи ва реквизитлари	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Автомобиль транспортида йўловчиларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро, халқаро, шунингдек юкларни халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш юзасидан давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2019 йил 30 июлдаги 636-сон қарори. <i>(лицензия варақасини бериш талаби)</i>
2.	ТСТБни ўтказувчи давлат органи ёки ташкилоти	Транспорт вазирлиги
3.	Ваколатли органларнинг хулосалари олинганлиги	Ваколатли органларнинг хулосалари олинмаган
4.	Сана	19.06.2026 йил

Тартибга солиш таъсирини баҳолаш натижалари

5.	Хулоса 1. Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида” Қонунининг 5-моддасида: Агар жисмоний ёки юридик шахслар томонидан фаолиятнинг (ҳаракатларнинг) айрим турларини амалга ошириш фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига зиён, жамоат хавфсизлигига зиён ва (ёки) атроф-муҳитга зарар етказилишига сабаб бўлиши мумкин бўлса, лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари жорий этилиши белгилаб қўйилган. 2. Мазкур Қонунга илова қилинган Амалга оширилиши учун лицензияларни олиш талаб қилинадиган фаолият турларининг: 16-позициясида автомобиль транспортида йўловчиларни ташиш фаолияти учун лицензия ҳамда унга қуйидаги лицензияланадиган фаолиятнинг кичик турлари кириши белгиланган: <i>йўловчиларни шаҳар, шаҳар атрофида ва шаҳарлараро микроавтобус ҳамда автобусларда ташиш;</i> <i>йўловчиларни шаҳар, шаҳар атрофида ва шаҳарлараро енгил автомобилларда ташиш;</i> <i>йўловчиларни халқаро йўналишлар бўйича автобусларда ташиш;</i> <i>йўловчиларни халқаро йўналишлар бўйича микроавтобусларда ташиш;</i> <i>йўловчиларни халқаро йўналишлар бўйича енгил автомобилларда ташиш;</i> 17-позициясида автомобиль транспортида юкларни халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолияти учун лицензия ҳамда унга автомобиль транспортида юкларни халқаро йўналишлар бўйича ташиш кичик тури белгиланган. 3. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 июлдаги 636-сон қарори билан тасдиқланган “Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш юзасидан давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти”да (қарорга 1-илова) қуйидагилар белгиланган: автомобиль транспортида йўловчиларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро, халқаро, шунингдек юкларни халқаро йўналишлар бўйича ташиш ҳуқуқи учун намунавий (оддий) лицензиялар берилади; лицензия Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги қонуни билан белгиланган фаолиятнинг кичик турлари учун берилади;
----	--

лицензия асосида ҳар бир автотранспорт воситасига лицензия варақаси берилади;
лицензия варақаси – лицензия талаблари ва шартларига мажбурий тарзда риоя қилинган ҳолда йўловчилар ва юкларни ташишда фойдаланиладиган ҳар бир автотранспорт воситасига лицензияланадиган фаолият турини амалга ошириш учун бериладиган рухсатнома ҳисобланади;

лицензия варақалари билан таъминланмаган автомобиль транспорти воситасидан фойдаланган ҳолда тижорат асосида йўловчиларни ва халқаро йўналишлар бўйича юкларни ташишга йўл қўйилмайди;

автотранспорт воситалари сони тўлдирилган (қўпайтирилган) тақдирда давлат божи ҳар бир лицензия варақаси учун қўшимча равишда ундирилади.

Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 июлдаги 636-сон қарори билан тасдиқланган “Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳукукини берувчи лицензия варақалари берилганлиги учун ундириладиган давлат божи миқдорлари”да (қарорга 2-илова) автотототранспорт воситасининг бир бирлиги учун 1 йилга давлат божи суммаси (базавий ҳисоблаш миқдори қарралигида) кўрсатилган.

Бундан ташқари:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 27 февралдаги “Хизматлар соҳаси барқарор ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг 8-бандига мувофиқ енгил автотранспорт воситаларида йўловчиларни шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро ташиш фаолияти ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхатига киритилсин ҳамда улар ушбу фаолият билан лицензия варақаси асосида шуғулланиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 мартдаги “Кичик ва ўрта бизнеснинг иқтисодиётдаги ўрнини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-50-сон Фармонининг 2-илловасига мувофиқ 2026 йил 1 январдан бошлаб ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхати тасдиқланди.

Мазкур рўйхатнинг 72-бандига асосан енгил автотранспорт воситасида йўловчиларни шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро ташиш (лицензия варақаси бўлганда) фаолияти ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхатига киритилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги 482-сон қарорига 1-илова билан тасдиқланган Автомобиль транспортида йўловчилар ва бағажни ташиш қоидаларининг:

а) 4-бандига мувофиқ мулкчилик шаклларида қатъий назар автобусларда йўловчилар ташишни амалга оширувчиларнинг хавфсизликни таъминлашдаги асосий вазифаларидан бири этиб фойдаланишда бўлган ҳар бир автотранспорт воситасида лицензия қарточкаси мавжуд бўлишини таъминлаш;

б) 19-бандига мувофиқ мунтазам қатновларни амалга оширувчи автобуслар ва йўналишли таксилар ҳайдовчилари йўналишда ишлаётганда тегишли лицензияга (лицензия қарточкасига) эга бўлиши;

в) 56-бандига мувофиқ ташиш автовокзаллар (автостанциялар) орқали амалга оширилганда ташувчи ишда фойдаланиладиган автотранспорт воситасига лицензия (лицензия қарточкаси) мавжуд бўлишини таъминлаши белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида”ги қонунига мувофиқ фаолиятнинг айрим турларини Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги томонидан лицензияланганлик учун тўланадиган давлат божи миқдорлари йўловчи сифими ҳамда автотранспорт воситасининг бирлигидан келиб чиққан ҳолда ундирилиши белгиланган.

	Юқоридагилардан келиб чиқиб, мазкур тартиб асосида бугунги кунда фаолиятни амалга ошириш учун юридик шахслар, якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда ўзини ўзи банд қилган шахсларга лицензиялар ҳамда уларнинг ҳаракат таркибидаги автотранспорт воситаларига фаолият турларидан келиб чиққан ҳолда лицензия варақалари бериб келинмоқда ва ўз навбатида расмийлаштирилаётган лицензия варақалари учун йўловчи сифими ҳамда автотранспорт воситасининг бирлигидан келиб чиққан ҳолда давлат божи ундирилмоқда. Юқоридагиларга асосан лицензия варақаси ҳар бир автотранспорт воситасини идентификацияловчи рухсатнома бўлиб, ушбу ҳужжат бевосита яширин иқтисодиётни бартараф этиш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. 4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги “Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5647-сон Фармонида кўра: Вазирлик автомобиль, темир йўл, ҳаво, дарё транспортлари, метрополитен, шунингдек йўл хўжалигини ривожлантириш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича давлат бошқаруви органи ҳисобланади; Вазирлик транспорт ва йўл хўжалиги соҳасидаги ташкилотлар фаолиятини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш, лицензия ва рухсатномалар бериш, сертификатлаштириш, самарали техник ва тариф сиёсатини амалга ошириш йўли орқали давлат томонидан тартибга солиш вазифасини амалга оширади; Вазирлик томонидан ўз ваколати доирасида қабул қилинган қарорларнинг ижроси давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек фуқаролар учун мажбурий ҳисобланади.
6.	Хужжатнинг таъсир доираси Тижорат асосида амалга ошириладиган йўловчиларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро, халқаро, шунингдек, юкларни халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолияти лицензияланади. Тижорат асосида йўловчиларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолияти юридик шахслар томонидан амалга оширилади. Бунда йўловчиларни шаҳарда, шаҳар атрофида ва шаҳарлараро ташиш фаолияти ўзини ўзи банд қилган шахслар томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин. Тижорат асосида йўловчиларни ва юкларни ташиш — тижорат асосида, яъни тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш йўли билан автотранспорт воситаларида йўловчиларни ва юкларни ташиш хизматини кўрсатиш натижасида даромад олиш. Лицензия варақаси — лицензия талаблари ва шартларига мажбурий тарзда риоя қилинган ҳолда йўловчилар ва юкларни ташишда фойдаланиладиган ҳар бир автотранспорт воситасига лицензияладиган фаолият турини амалга ошириш учун бериладиган рухсатнома (лицензия). Ариза берувчининг сўровномасига кўра лицензияловчи орган қарорига биноан — фаолият турига лицензия; ариза берувчининг сўровномасига кўра автотранспорт воситаларининг ҳаракатдаги таркибига фаолият турига берилган лицензия асосида — лицензия варақалари берилади.
7.	Хужжатнинг натижадорлиги ва самарадорлиги Сўнгги йилларда амалга оширилган ислохотлар натижасида автомобиль транспортида йўловчиларни ташишда шахсий автомобиль эгаларига фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ бир қатор енгиллик ва қулайликлар жорий қилинди, хусусан, енгил такси фаолиятини амалга ошириш фақатгина юридик шахс ташкил қилган ҳолда ёки юридик шахсга ўз автомобилини шартнома асосида ижарага бериб фаолият амалга оширилар эди, бугунги кунда мазкур фаолият ўзини ўзи банд қилган шахслар рўйхатига киритилди.

	Маълумот ўрнида таъкидлаш лозимки, 2020 йил давомида республика бўйича автомобиль транспортида юк ва йўловчиларни ташиш фаолиятини амалга ошириш учун ташувчилардан ундирилган давлат божи миқдори 77,9 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, 2025 йилда бу кўрсаткич 211,3 млрд.ни ташкил қилган.
8.	Хужжатнинг ижобий ва салбий оқибатлари Лицензия варақаси ҳар бир автотранспорт воситасини идентификацияловчи рухсатнома бўлиб, ушбу хужжат бевосита яширин иқтисодиётни бартараф этиш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Хорижий тажрибага мувофиқ автомобиль транспортида ички юк ташиш фаолияти Германия, Франция, Полша, Италия, Испания, Буюк Британия, Туркия, МДХ давлатларида лицензиялаш ҳамда рухсат этиш хусусиятига эга хужжатлар билан тартибга солинган. И. Айрим МДХ давлатлари мисолида 2005 йилда ички автомобиль транспортида ташиш фаолиятини лицензиялаш бекор қилиниши транспорт соҳасини либераллаштириш сиёсати доирасида амалга оширилган эди. Аммо амалиётда ушбу лицензиянинг бекор қилиниши қатор салбий оқибатларга олиб келган, булар: <i>1. Яширин иқтисодиёт улушининг кескин ўсиши – бу энг асосий ва жиддий камчиликдир. Лицензиялашнинг бекор қилиниши бозорга киришни тўлиқ эркин қилди.</i> Солиқлардан оммавий қочиш лицензиялаш бекор қилинганидан сўнг, улар ҚҚС ва даромад солиғидан "улкан даражада қочиш" ҳолатига дуч келган. Экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, ташишларнинг 60 фоизи дан ортиғи "қора" схемалар бўйича амалга оширилади. Демпинг (нархни сунъий пасайтириш): виждонсиз иштирокчилар ("бомбилалар"), қонун талабларига (солиқлар, расмийлаштириш, хавфсизлик) риоя қилиш харажатларини ўз зиммасига олмасдан, арзонроқ нархларни шакллантирган. Бу эса қонуний фаолият юритаётган ташувчиларнинг оммавий равишда ноқонуний секторга ўтиши ҳамда ишчиларни штатга олинмаслигига олиб келди. Назоратнинг йўқлиги: Масалан, ташиш фаолиятини бошлаш ҳақида оддий хабар бериш талабига ташувчиларнинг 20 фоизи дан ками амал қилади, яъни соҳа фаолиятининг 80 фоизи давлат томонидан назорат қилинмайди. Бу эса давлатнинг улкан маблағларни йўқотишига олиб келади. <i>2. Ҳаддан ташқари рақобат ва рентабелликнинг пасайиши</i> Рақобатни ривожлантириш учун мўлжалланган бозорни либераллаштириш, аксинча, юк ва йўловчи ташиш билан барча хоҳловчилар, шу жумладан носоҳа вакиллари ҳам шуғуллана бошлашига олиб келди. "Рақобат чексиз даражада кучайди" – экспертлар вазиятни шундай тасвирлайди, яъни бозорга фақат автотранспорт воситасига эга бўлган, билим ва кўникмаларга эга бўлмаган ҳайдовчилар кириб келди. Хизмат сифатининг пасайиши: Демпинг ва ташишлар бозорида омон қолиш учун кураш шароитида компанияларнинг ривожланиш, автопаркни янгилаш ва ходимлар малакасини ошириш учун маблағлар етишмаслигига олиб келмоқда. <i>3. Автомобиль транспортида юк ва йўловчи ташиш фаолияти билан соҳа мутахассислари эмас, балки бошқа соҳалар вакиллари шуғулланиши транспорт бозорида бир қатор салбий оқибатларга олиб келди.</i> - Лицензиялаш касбга рухсат бериш ҳамда ташишларда хавфсизликни таъминлаш функциясини бажарар эди, ташувчининг ҳаракат хавфсизлиги ҳамда ташиш қоидаларини билиши бу орқали ушбу йўналишда сифатли ва хавфсиз хизмат кўрсатилиши таъминланар эди. Унинг бекор қилиниши бир қатор салбий оқибатларга олиб келди.

Касбий малака етишмаслиги натижасида юк ташиш қоидалари, ҳайдовчиларнинг меҳнат ва дам олиш режими ҳамда транспортда хавфсизлик талабларини қўпол равишда бузиш ҳолатлари тобора кўпайиб бормоқда.

Бу эса ўз навбатида йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид солишига сабаб бўлмоқда. Хусусан, транспорт воситаларини нотўғри эксплуатация қилинишига, техник ҳолатига етарлича эътибор берилмаслигига ҳамда йўл ҳаракати қоидаларини бузилишига олиб келмоқда.

4. Хизмат сифати пасайиши.

Автомобиль транспорти соҳаси мутахассислари:

– юкни сақлаш,

– етказиб бериш муддати,

– мижозлар билан шартномавий муносабатлар каби масалаларга катта аҳамият беради.

Носоҳа мутахассислари эса қуйидаги ҳолатларга сабаб бўлмоқда:

– юкнинг шикастланиши;

– кечикишлар;

– шартномавий мажбуриятларни бажармаслик.

Автомобиль транспортида юк ёки йўловчи ташиш билан носоҳа вакилларининг шуғулланиши касбий малака етишмаслиги, йўл ҳаракати хавфсизлигининг пасайиши, хизмат сифати ёмонлашиши ва бозорда носоғлом рақобат муҳити шаклланишига олиб келди. Шу сабабли транспорт бозорида фаолият юритувчи субъектлар учун аниқ ҳуқуқий талаблар ва назорат механизмларини белгилаш муҳим аҳамиятга эга.

Европа тажрибаси: Европа Парламенти ва Кенгашининг 2009 йил 21 октябрдаги 1071/2009-сонли Регламентида автомобиль транспорти операторлари фаолиятига рухсат бериш тартиби белгиланган.

Маълумот учун: “автомобиль юк транспорти оператори” деганда ҳар қандай корхонанинг ҳақ эвазига ёки ижара шартлари асосида ёки механик транспорт воситалари, ёки транспорт воситалари составлари ёрдамида юк ташиш фаолияти тушунилади.

Европага аъзо давлатларда автомобиль транспорти операторлари алоҳида касб сифатида тан олинган ҳамда унлар қуйидаги талабларни бажаришга мажбур:

– аъзо давлат ҳудудида самарали ва барқарор фаолият юритувчи муассасага эга бўлиши;

– ишончли ва ҳалол ишбилармонлик обрўсига эга бўлиши (ташиш қоидалари, йўл ҳаракати қоидалари, меҳнат режимини ва ушбу йўналишда бошқа қонунчилик талабларини бузмаганлиги);

– етарли даражадаги молиявий барқарорликка эга бўлиши (мисол тариқасида ташувчининг ҳисоб рақамида – 9,0 минг евро маблағ бўлиши, ҳар бир автотранспорт воситасига – 5,0 минг евро маблағ бўлиши лозим);

– талаб этилган касбий малака (профессional компетентлик)га эга бўлиши.

Шу билан бирга, автомобиль ташувлари оператори фаолияти билан шуғулланувчи корхона камида битта жисмоний шахсни – **ташишлар бўйича менежерни тайинлаш шарт**. Ташишлар бўйича менежери – транспорт воситаларининг техник хизмат кўрсатилишини бошқариш, транспорт шартномалари ва ҳужжатларини текшириш, бошланғич бухгалтерия ҳисобини юритиш, юклар ёки хизматларни ҳайдовчилар ва транспорт воситалари ўртасида тақсимлаш, шунингдек хавфсизлик тартиб-таомилларига риоя этилишини текшириш каби вазифаларни бажаради.

Юқоридаги талабларга мувофиқ бўлган тижорат асосида автомобиль транспортида юк ташиш учун ваколатли орган томонидан лицензияланади ҳамда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида лицензия нусхаси тақдим этилади.

Мазкур ҳисоботнинг тўғрилиги ва маълумотларнинг ишончлилигини тасдиқлайман.

**Давлат органи
(ташкilotи) раҳбари**

(имзо)

(Ф.И.О.)